

# O'ZBEKISTON

# OVOZI

IJTIMOYIY-  
SIYOSIY  
GAZETA



■ 2004-YIL ■ 23-SENTABR ■ PAYSANBA ■ 116 (27.291) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,  
Ўзбекистонга яқинда амалга оширган ташрифим чоғида Сиз Жанобий Олийлари ва Ўзбекистон ҳукумати кўрсатган самимий меҳмондўстликдан бағоят мамнун бўлдим ва бунинг учун чин қалбдан ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Мен, шунингдек, минтақа бўйлаб сафарим бошида Ўзбекистонга ташриф буюрганим ва вақтингиз тигизлигига қараман Сиз Жаноби Олийлари билан мазмунли мулоқот ўтказганимдан беҳад хурсандман.

Бу галги ташриф давомида Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларида бўлиб, Сиз Жаноби Олийлари ва кўпгина расмий кишилар билан учрашдим. Фурсатдан фойдаланиб, япон — ўзбек муносабатларини дўстлик ва стратегик ҳамкорлик асосида ривожлантириш юзасидан фойдали фикр алмашиш имконияти учун ўз миннатдорлигимни изҳор этман. Мен мустақилликка эришгач Ўзбекистон ҳукуматининг давлат қурилишига йўналтирилган саясий-ҳаракатларини олқишлайман. Зотан, Ўзбекистон ўз йўлида кўплаб қийинчиликларни енгиб ўтишига тўғри келди. Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Япония бундан бундан ҳам турли соҳаларда яқин ҳамкорлик тизимини мустақамлашлари зарур. Бундан ташқари, мен Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва тараққиёти, шу жумладан, қўшни Афғонистон тинчлиги бутун Евросиё барқарорлиги ва тараққиёти учун ғоят муҳимлигини чуқур англаб етдим.

Марказий Осиё бўйлаб сафаримнинг биринчи куни мен Тошкентдаги жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетига сиёсий маъруза қилдим ва фикримча, Япониянинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ва халқ-роҳамиятга нисбатан янги сиёсатини ошкор қилиш жуда фойдали бўлди.

Ўзбекистон саясий-ҳаракатлари натижасида Япониянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларида тарихий воқеа саналган «Марказий Осиё+Япония» маърузида минтақа ташқи ишлар вазирларининг учрашуви муваффақиятли бўлиб ўтди. Мен мамлакатингизнинг кўмаги ва ёрдами учун самимий миннатдорлик изҳор этман ва бошланган мулоқотни давом эттиришда Сизнинг кўмагингизга таянаман. Ушбу ташриф чоғида мен Марказий Осиёнинг ҳар бир мамлақати изчил тараққиётга йўналтирилган ўзаро минтақавий ҳамкорликдан чуқур манфаатдор эканига яна бир бор амин бўлдим.

Мен бундан бундан ҳам ўз саясий-ҳаракатларимни икки томонлама ҳамкорликни мустақамлаш ва «Марказий Осиё+Япония» мулоқотини ривожлантиришга сафарбар этман.

Мақтубим якунида Сиз Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса юксак тараққиёт тилашга ижозат бергайсиз.

Чуқур эҳтиром ила,  
Ёрико КАВАГУЧИ,  
Япония ташқи ишлар вазири

## Махсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!



## «ШАРҚ МОДЕЛИ» ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТМОҚДА

Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимизда йилга 7,2 миллион донатрикожа махсулотлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди

«Шарқ модели» қўшма корхонаси жамоаси ўз фаолиятининг дастлабки қўлаиданок ишлаб чиқариши ривожлантириб, нафақат маҳаллий тикрат тузилмалари, балки хорижий шериклар билан ҳам яқин ҳамкорлик қилишни ният қилган. Ҳозирданок АҚШ, Канада, Голландиядан буюртмалар тушмоқда. Хорижда эса табиий пахта толасидан тайёрланган махсулотлар юқори баҳолаштириш барчага маълум.

Зеро, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва улар асосида юқори сифати махсулотлар ишлаб чиқариши бундан анг янги корхоналар ташкил этиш зарурлиги — давр табиби.

«Шарқ гули» корхонаси ва Туркиянинг «Кидекс» фирмаси янги қўшма корхона муассислари ҳисобланади. Унинг низоми жамғармаси 1 миллиондан ортиқ АҚШ долларини ташкил қилади. Ҳамкорлар биринчи навбатда ишлаб чиқариши энг янги технология воситалар билан жиҳозлади. У-

қуналар «Асака» банк орқали ажратилган 1 миллион 807 минг АҚШ доллари миқдоридики кредитга чет элдан сотиб олинди. Ҳозир корхонанинг кенг ва ёруғ цехларида турли бичим ва ранглардаги эркалар, аёллар, болалар майкалари, кофта, кўйлақлар, шортиқлар, шим ва юбкалар тиклмоқда. Уларнинг катта қисми экспорт қилинади. Шунингдек, қўшма корхонанинг

экспорт салоҳияти 7 миллион АҚШ доллари миқдорига баҳоламоқда. Ҳозир бу ерда 400 юш ишчи иш ўринлари билан таъминланди. У тулик қувват билан ишлаб бoшлагач, яна шунча ишчи қабул қилинади.

Суратларда: қўшма корхонанинг иш фаолиятидан лавҳалар.

Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган суратлар

«Шарқ модели» қўшма корхонаси жамоаси ўз фаолиятининг дастлабки қўлаиданок ишлаб чиқариши ривожлантириб, нафақат маҳаллий тикрат тузилмалари, балки хорижий шериклар билан ҳам яқин ҳамкорлик қилишни ният қилган. Ҳозирданок АҚШ, Канада, Голландиядан буюртмалар тушмоқда. Хорижда эса табиий пахта толасидан тайёрланган махсулотлар юқори баҳолаштириш барчага маълум.

Зеро, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва улар асосида юқори сифати махсулотлар ишлаб чиқариши бундан анг янги корхоналар ташкил этиш зарурлиги — давр табиби.

«Шарқ гули» корхонаси ва Туркиянинг «Кидекс» фирмаси янги қўшма корхона муассислари ҳисобланади. Унинг низоми жамғармаси 1 миллиондан ортиқ АҚШ долларини ташкил қилади. Ҳамкорлар биринчи навбатда ишлаб чиқариши энг янги технология воситалар билан жиҳозлади. У-

қуналар «Асака» банк орқали ажратилган 1 миллион 807 минг АҚШ доллари миқдоридики кредитга чет элдан сотиб олинди. Ҳозир корхонанинг кенг ва ёруғ цехларида турли бичим ва ранглардаги эркалар, аёллар, болалар майкалари, кофта, кўйлақлар, шортиқлар, шим ва юбкалар тиклмоқда. Уларнинг катта қисми экспорт қилинади. Шунингдек, қўшма корхонанинг

экспорт салоҳияти 7 миллион АҚШ доллари миқдорига баҳоламоқда. Ҳозир бу ерда 400 юш ишчи иш ўринлари билан таъминланди. У тулик қувват билан ишлаб бoшлагач, яна шунча ишчи қабул қилинади.

Суратларда: қўшма корхонанинг иш фаолиятидан лавҳалар.

Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган суратлар

«Шарқ модели» қўшма корхонаси жамоаси ўз фаолиятининг дастлабки қўлаиданок ишлаб чиқариши ривожлантириб, нафақат маҳаллий тикрат тузилмалари, балки хорижий шериклар билан ҳам яқин ҳамкорлик қилишни ният қилган. Ҳозирданок АҚШ, Канада, Голландиядан буюртмалар тушмоқда. Хорижда эса табиий пахта толасидан тайёрланган махсулотлар юқори баҳолаштириш барчага маълум.

Зеро, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва улар асосида юқори сифати махсулотлар ишлаб чиқариши бундан анг янги корхоналар ташкил этиш зарурлиги — давр табиби.

«Шарқ гули» корхонаси ва Туркиянинг «Кидекс» фирмаси янги қўшма корхона муассислари ҳисобланади. Унинг низоми жамғармаси 1 миллиондан ортиқ АҚШ долларини ташкил қилади. Ҳамкорлар биринчи навбатда ишлаб чиқариши энг янги технология воситалар билан жиҳозлади. У-

қуналар «Асака» банк орқали ажратилган 1 миллион 807 минг АҚШ доллари миқдоридики кредитга чет элдан сотиб олинди. Ҳозир корхонанинг кенг ва ёруғ цехларида турли бичим ва ранглардаги эркалар, аёллар, болалар майкалари, кофта, кўйлақлар, шортиқлар, шим ва юбкалар тиклмоқда. Уларнинг катта қисми экспорт қилинади. Шунингдек, қўшма корхонанинг

экспорт салоҳияти 7 миллион АҚШ доллари миқдорига баҳоламоқда. Ҳозир бу ерда 400 юш ишчи иш ўринлари билан таъминланди. У тулик қувват билан ишлаб бoшлагач, яна шунча ишчи қабул қилинади.

Суратларда: қўшма корхонанинг иш фаолиятидан лавҳалар.

Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган суратлар

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Факулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мухаммад Суҳроб Ҳусайн 22 сентябр куни Оксаройда ишонч ёрлигини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Бангладеш муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Янги лавозимга тайинлангани муносабати билан элчини қутлаб, юртимизда бошланган миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Бангладеш элчиси самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Шу куни Президент Ислам Каримов Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Факулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Юичиро Кусумотодан ишонч ёрлигини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон билан Япония — стратегик ҳамкор давлатлар. Япония юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда, улкан

лойиҳаларда фаол қатнашиб келмоқда. Учрашувда икки томонлама муносабатларимизнинг салмоқли ҳуқуқий асоси яратилгани таъкидланди.

Президент Ислам Каримов Япония элчисининг Ўзбекистондаги фаолиятига муваффақият тилади.

Ю.Кусумото Ўзбекистон-Япония муносабатларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш имконияти туғилганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Исроил Давлатининг мамлакатимиздаги Факулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эммануэль Мель ҳам ишонч ёрлигини топширди.

Ўзбекистон-Исроил муносабатлари савдо-иқтисодий ва сарможий соҳаларда айниқса жад ривожланмоқда.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон-Исроил ҳамкорлиги келгусида барча йўналишларда ривожланиб бораверишига ишонч билдирди. Исроил элчиси самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этди.

(ЎзА)

## САЙЛОВ ВА САЙЛАНИШ МАСЪУЛИЯТИ

«Ҳар қандай партия ёки ижтимоий ҳаракат, биринчи қалда, аниқ ҳаётнинг тарафдори, муайян гуруҳларнинг манфаатларини аниқ тасаввур қиладиган, шу қарашларни олдинга сурайдиган, ҳимоя қилувчи ва ҳаётга таъбиқ этиш учун курашадиган куч сифатида майдонга чиқади».

Ислам КАРИМОВ

Жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг алоҳида ўрни бор. Сиёсий партияларнинг дастурларига кўра, ижтимоий ҳаётдаги мақсад ва вазифаларни турлича бўлса-да, улар жамиятда рўй бериши мумкин бўлган сиёсий муаммоларни ҳал қилишда, турли сиёсий кучлар манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсатнинг етакчи кучларидан бири сифатида фаолият кўрсатади.

Жамият ривожланган сари ундаги сиёсий партияларнинг фаолияти қараб қараб шунчалик ортиб бораверади, шунингдек, қайси бир жамиятда сиёсий партиялар ҳаракатда бўлмас экан, мазкур жамиятда фикрлар эркинлиги ҳам бўлмайдиган, бу ҳол эса жамият ривожига ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумки, сиёсий партиялар инсоният яратган сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, бадиий тизимлар асосида ўз ғояларини яратди ва уни омма орасида кенг тарқатди ва жамият аъзоларининг манфаатларини мумкин қадар кенгрок қамраб олиб, улар қабул қилувчи ва маъқуллайдиган мақсадларни амалга оширишга интилади.

Мустақиллик йилларида фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар мамлакатимизнинг бош Қомуси — Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топади. Жумладан, қабул қилинган қонунларда сиёсий партияларни тузиш, сиёсий партиялар фаолиятининг кафолати, фаолият кўрсатиш принциплари, партияга аъзолик, устав, рўйхат олиш тартиби, партияларнинг мулкӣ муносабатларига доир барча ҳуқуқий мақомлари мўҳасамлаштирилган бўлиб, улар мамлакатимизда кўп партиявийлик тизимининг шаклланишига замин яратган.

Ҳозирги кунда Халқ демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси, Миллий тикланиш ва «Адолат» социал-демократик партиялари жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилмоқда. Яқинда яна бир партия Тadbбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси ўз фаолиятини бошлади.

Зеро, биз демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти кураётган эканми, сайловлар ва бу сайловларда сиёсий партияларнинг фаол иштирокисиз қуриладиган фуқаролик жамиятини тасаввур қилиб бўлмайди.

Сиёсий партиялар сайловларда мамлакат ҳаётига боғлиқ бўлган долзарб бунёдкорлик

асосда, сиёсий онглилик ва ҳуқуқий маданият кўтаринкилигида уюшқоқлик билан ўтказишда Марказий ва жойлардаги сайлов комиссиялари, давлат ҳокимият органлари, маҳалла-фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари миллий сиёсий партиялар зиммасига ҳам катта масъулият юклаган.

Шу боис, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча сиёсий партиялар миллий иштиқол ғоясининг ватан раънақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, қомил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик (толерантлик) каби асосий тамойилларни ақс эттирган сайловдаги дастурларини (платформаларини) эълон қилиб, сиёсий онглилик ва ҳуқуқий маданият билан курашга чиқишлари лозим.

Агар сиёсий партиялар сиёсий кураш майдонига фақат парламент сайловларида гoлиб чиқиш мақсадидагина тушсалар, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ва дунё тан олаётган демократик жараёнларнинг чуқурлашувининг нуфузига

пугур этказиши мумкин. Бўлажак сайловларда сиёсий партиялар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига номзодлар танлаш, кўрсатишда ўта масъулият ва сиёсий-стратегик жиҳатдан узоқни кўзлаган ҳолда ёндошишлари лозим. Парламентнинг юқори Палатаси — Сенат Қорақалпоғистон Республикаси, Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти киши сайланади. Албатта, мазкур олти сенаторнинг ҳар бири ў ёки бу сиёсий партияга аъзо бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида улар аъзо бўлган сиёсий партияларнинг сиёсий ҳаётдаги маъке ва нуфузини оширишга олиб келади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Парламентнинг Қўнучилик палатаси ва юқори Палата — Сенатга жойлардаги вазиятни яқши биланган, ҳудуд ва мамлакат манфаатларини уйғунлаштириш олдидан сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимдан маънавий пок кишилардан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига номзодлар кўрсатиш сиёсий партия ҳаёти учун ўта муҳим сиёсий жараён. Бундан энг муҳими: сиёсий партия ва номзодлар, яъни бўлажак депутатлар жамият ва давлат олдида улкан масъулият борлигини теван англашлари лозим.

Рустам ШАРИПОВ,  
ТДЮИ кафедрани мудири,  
доцент,  
Барно ФАРМОНОВА,  
ТДЮИ катта ўқитувчиси,  
тарих фанлари номзоиди

## Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

Халқаро терроризм бугун ўзининг жиҳрак башарасини жаҳон ахлига бот-бот кўрсатиб турибди. Оммавий ахборот воситалари орқали даярли ҳар куни жаҳоннинг қайси-бир нуқтаида турли портлашлар содир этилганини эшитиш мумкин. Юртимизда ҳам бир неча террорчилик ҳаракатлари юз берди. Шу боис, терроризм, халқаро терроризмга қарши курашиш бугунги кундаги асосий муаммоларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбати терроризмга қарши курашиш муаммоларига бағиш-

## ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ

бугун унга қарши курашиш жаҳон жамоатчилигининг асосий вазифаларидан бирига айланиб қолди

ланди. Унда партиянинг туман кенгашлари, худудий, бошланғич ташкилотлари ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Партиянинг шаҳар кенгаши биринчи котиби Латиф Ғуломовда терроризмга қарши курашиш борасида шаҳар партия ташкилотларининг асосий вазифалари тўғрисида тўхталди. Тошкент Халқаро Вистминис-

тер университети ректори, тарих фанлари номзоиди, доцент Абдужаббор Абдувоҳидов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Анвар Аҳмедов, Ички ишлар бош бoшқармасининг терроризмга қарши курашиш бўлими бошлиғи Олег Бигенов ва бошқалар халқаро терроризм, уни тайёрлаётган, молилаштираётган турли марказлар, террорчи тўдалар фаолияти, уларнинг ҳар қандай ёвуз

урушдан ҳам хавфли эканлиги, унга қарши курашиш механизмлари ҳақида гапирдилар. Шунингдек, террористик марказ ва гуруҳларнинг туётган тўртта асосий принциплари ва унинг пўч, бунга тобора тараққий этиб бораётган замон учун мулкато тўғри келмаслиги ҳақида ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Маълумки, турли оқим вакиллари интернет сайтлари-

дан, баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга уринмоқдалар. Турли варақалар, брошюралар чиқариб ёшларни жалғиштиришга уринмоқдалар. Бунга қарши аҳоли турли қатламлари ўртасида кўплаб чиқишлар, учрашувлар ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда, ўзининг кўплаб бошланғич ташкилотлари, аъзолари, фаолларига эга бўлган ХДПнинг ҳам қиладиган аниқ иш режаси бўлиши керак. Тадбир сўнгида ХДП Тошкент шаҳар ташкилотлари учун терроризмга қарши кураш борасидаги тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бeҳзoд ШУКУРoВ

## ЕХҲТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Хoли Рутрауф хoним бошчилигидаги Баҳолаш миссияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Миссиянинг келишидан мақсад мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва кейинги йилларда унга киритилган янгиликлар ҳамда республикада фаолият кўрс-

таётган турли сиёсий кучларнинг ушбу масалага ёндошувларини, шунингдек 2004 йилнинг 26 декабрига белгиланган ялпи сайловларга тайёргарлик ишларининг бoришини шу ернинг ўзида ўрганишдан иборат. Бунинг учун Миссия аъзолари давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан учрашиб, мулоқотда бўлмоқдалар.

Яқинда бўлиб ўтган шундай учрашувлардан бирида Ўзбекистондаги барча сиёсий партияларнинг раҳбарлари иштирок этдилар. Партиялар намоёндалари ЕХҲТ Миссиясини қизиктирган масалалар юзасидан фикр алмашиб, уларнинг айримлари бундан ўз нуктаи назарларини билдирдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП вакил-

лари ҳам қатнашдилар. Уларнинг фикрича, бўлажак сайловларга ЕХҲТ кузатувчиларининг келиши, ҳеч шубҳасиз, ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг мамлакатимизда сайловларни ўтказишнинг демократик принциплари янада мустақамлаштиришга қўшган муайян ҳиссаси бўлади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ**  
XALQ BANKI

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULKIDORGA HAMKORI  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

**ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!**  
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57, Faks: 136-76-22  
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz



Истиқлол фидойиларининг барҳаёт руҳларини шод этмоқ бизнинг шарафли бурчимизга айланди.  
Мумтоз адабиётимиз анъаналари Андижонда теран томир отган эди. Комил Яшин, Мавлоно Ҳабیبий, Восит Саъдулла, Анисий, Сайфий, Улфат, Бокир сингари нозиктаб, зариф шоирларимиз ўз бадал, рубоий, қасида, туюқлари билан кўнгилда бор дардларини изҳор этдилар. Ҳаби-

давонида адабиётимизда ўзига хос из қолдирди, лирик шеърлари, бадиий юксак ҳикоя ва қиссалари билан ўқувчилар эътиборини қозонди.  
Адабиётимиз тарихида ёзувчи ва моҳир таржимон Мирзақалон Исмоилийнинг ўзига хос ўрни бор, унинг икки китобдан иборат «Фарғона тонг отунча» романи ўтган асрда халқимиз томонидан қўлма-қўл бўлиб ўқилган эди. У маънавиятимизга улкан ҳисса

қирон ҳақидаги ўзбек тилида биричи йирик асардир. Уни ўқиган ҳар бир китобхон улғун олим даҳисига таъзим қилиши тайин.  
Халқимиз севган, сэрбарака ижодидан баҳраманд бўлган адаблар — Рустам Раҳмон, Анорбой Қуронбоев, Тўқинжон Саъидов, Муҳаммад Юсуф, Исмоил Тўлақ, Муҳимжон Ниёзовларнинг барҳаёт руҳлари шод бўлсин!  
Айни замонда илҳом билан қалам тебрататган Эътибор Оқу-

йиллари талабалар юртимиздаги энг улкан илм даргоҳини — «Тошмуҳаммад домланинг уйи», деб аташган. Бу атамада домланинг инсонпарварлиги, олимлиги, талабаларга меҳрибонлиги ўзифодасини толган, албатта.  
Андижон ахли ардоқлаган, халқимиз меҳрига сазовор алломаларимиздан яна бири академик Пўлат Ҳабибуллаевдир. Пўлат ака ўзбек академиясига раҳбарлик қилган, физика фани тараққиётига катта ҳисса қўшган заковатли, салоҳияти зўр олимдир. Унлаб ёшларга устозлик қилаётган алломамиз нафақат Ўзбекистон, балки жаҳонга машҳурдир.


Андижон фахри саналимиш алломалар Фанижон Абдуллаев, Абдулмуҳаммад Абдуллаев, Ҳошимжон Раззоқов, Тўхтасин Жалолов, Набижон Қобилов, Ҳасанноҳун Мусоев, Акмал Қосимов, Рустамбек Шамсуддинов, Зокиржон Қўтибоев, Рустамжон Тиллабоев, Сирожиддин Зайнобиддиновларнинг ўзбек фани ва маданияти тараққиётига қўшган улуғлиқлари таҳсинга сазовор.  
Андижонда азиз бир хонадон бор. Бу хонадонда «Ўзбекистон» да хизмат қўрган ўқувчилар бўйлардан Болтабой аханинг фарзанди эдилар. Султонжон Тўрахонов ва Хосиятжон Болтабоев. Тўрахонов домла Хожа Арҳор Валий авлодидан, Хосиятжон ая эса андижонлик бойлардан Болтабой аханинг фарзанди эдилар. Султонжон Тўрахонов узоқ йиллар халқ таълими соҳисига хизмат қилган илк маърифатчилардан. Бугунги кунда Тошкент туманидаги 14-урта мактаб у кишининг номи билан аталади. Фарзанди Лермонжон

Иқтисодиёт ва ислоҳот

# «УЗОҒИНГИЗ ЯҚИН БЎЛСИН..!»

«БУХОРО» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ХОДИМЛАРИ ТИЛАГИДАН

Ватанимиз қадим-қадимдан **Ғарб** ва **Шарқни** бир-бири билан бөлвочи кўприк вазифасини ўтаб келган. У бугун ҳам муҳим стратегик аҳамиятга молик минтақа сифатида юксак салоҳият ва имкониятларга эга. Истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ибодаткорлик ишлари мисолида бунинг яққол исботини кўриш мумкин. Мазалан коммуникация ва транспортни ривожлантириш борасидаги саяё-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.



қўрсатилди.

Айниқса, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида амалга оширилган ишлар диққатга сазовор. Собиқ тузум даврида кичик-кичик аэропорт шаклида фаолият юритган бундай корхоналар эндиликда истиқлол шарофати билан Тошкент, Самарқанд, Урганч ва Бухоро сингари халқаро аэропортлар макomini олди. Айниқса, «Бухоро» халқаро аэропорти таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Аэропорт директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати **Т. БАҲРОНОВ** билан сўхбатимиз корхонада амалга оширилаётган ижобий ишлар ва у кишининг депутатлик фаолияти ҳақида борди.

— Тоҳир Саидович, аввало айтгинчи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис депутати сифатида ҳозир сайловчи ва депутат ўртасидаги ўзаро муносабат ҳақида нима деясиз? Бир вақтлар «депутат — халқ хизматкори, у — сайловчилар нақазларини бажаришга мажбур» деган тушунчалар мавжуд эди...

— Мен ХДП вакили сифатида Олий Мажлис депутати бўлиб сайланганимга беш йилча бўлди. Шу йиллар давомида парламентнинг барча сессияларида фаол иштирок этдим. Партия ташкилотларига суяниб, улар билан ҳамкорликда баҳамжihat ишлади. Янги-янги қонунлар қабул қилинди. Шу билан бирга сайлов бўлиб қўйган одамлар, халқ ичига фаол кириб боришни ҳам унутганимиз йўқ. Тўғри, айримлар бунди тор манфаатлар доирасидан нарига ўтолмаслик, деб таърифлашди. Бирок, халқ дардига қўлоқ солиш, унга ёрдам бериш савоб, иш...

— Энди жорий йилда «Бухоро» халқаро аэропортида эришилган ютуқлар ҳақида...

— Йўловчилар ташиш бўйича режа 118 фоиз бажарилди. Режадан ташқари 3,9 тонна юк ташилди. Ярим йил ичида учинчи доимийлиги 91,6 фоизни, шунингдек, халқаро авиалинияларда 84,6 фоизни, маҳаллий авиалинияларда эса 91,4 фоизни ташкил этди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан МДХ мамлакатларига 1067 нафардан кўпроқ, узоқ хорижий давлатларга эса 172 нафардан зиёдларок йўловчилар ўз манзилларига етказилди. Бирор марта ҳам аэропортнинг яхши тайёрланмаганлиги ёки ёниги-мойланиш материалларининг йўқлиги сабабли рейсларнинг бекор қилиниши ёки кечикиши ҳоллари юз бермади.

Утган давр ичида ҳаммаси бўлиб 511 та рейсга хизмат қўрсатилди. Улардан 403 таси олдиндан белгиланган режа бўйича амалга оширилди. Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрига 6 марта учини ва қайтиш (Бухоро орқали) рейслари бўлди. Бошқа авиакомпанияларнинг ҳам 12 та рейсига ва 90 та махсус рейсларга хизмат

# АРКОНЛАРИ

бий, Восит Саъдулла девон тузиш шарафига муяссар бўдилар. Утти шоир Фарид Усмон шу қўлтуғ анъанани айни замонда давом эттирмоқда.

Нодирабегимлар чиққан юртдан яна бир зариф шоирамиз борки, уни эсга олмаслик асло мумкин эмас. Бу нафаси ўтунқ ўзбек шоираси Саида Зуннувадир. Саида онанинг илк тўламига улғун шоиримиз Фахур Фулом катта умид билан оқ йўл тилаган эди. Отаҳон шоирнинг ниятлари ҳолис экан, Саида Зуннунова бундан илҳом олиб, давомда бу ишончини оқлашга ҳаракат қилди. У бекорга инсоннинг неларга қодир эканлигини

**Дилда ёниш бўлса, меҳр бўлса бас, Ҳамма-ҳаммасига отар кучимиз** — дея мадҳ этмаган экан. Саида Зуннунова қисқа умри

қўшган адиблардан, бир қанча жаҳон ва рус адабиёти намуналарини ўзбекчага таржима қилган. Мирзақалон Исмоилийнинг одоб-арлоқ мавзусидаги публицистик чиқишлари кўпчилиги ўзига қаратган эди. Улғун адибимиз она тилимиз гузаллиги ва бойлигини ўз асарлари билан яна бир қара намойиш этди, маҳорат мактабини яратди.

Бой тарихимизнинг ҳали кўпчилигига маълум бўлмаган қирраларини дадиллик билан очиб берган олимлардан бири — академик Бўрибой Аҳмедов эди. Унинг ўзбек миллатининг келиб чиқиши, Темур ва теурийлар тарихини одил асарлари диққатга сазовордир. Олим-адибнинг соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги «Амир Темур» тарихий романи ҳам халқимиз маданиятига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Бундай йўлаб қаралса, бу роман Соҳиб-

нова, Олимжон Холдор, Холдоржон Қуронбоев, Назиржон Саидов, Муҳаммад Али, Тўлан Нишон, Маҳкам Маҳмуд, Усмонжон Шукр, Қамчибек Кенжа, Мурод Раҳмон, Фозилжон Иминов, Шодмонбек Отабоев, Қоражон Қодировлар ҳам Андижоннинг фарзандлари. Бу элнинг чинакам воқислари ҳақида ҳали узоқ гапириш мумкин. Чунки уларнинг ҳар бири бир дунё, уларни андижонликлар қанчалик севса, бундан она халқимиз ҳам шунчалик ардоқлайди.

Андижондан чиққан илм-фан, адабиёт ва санъат намояндаларидан бири дунё илмида ўзининг ёрқин йўлини қолдирган улкан математик олим, жамоат арбоби, академик Тошмуҳаммад Саримсоқовдир. Домла Тошкент давлат университетига (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ректорлик қилган

## ИККИНЧИ АМЕРИКАЛИК ҲАМ ЎЛДИРИЛДИ

Reuters агентлиги Абу Мусаб ал-Заркави бошчилигидаги гуруҳ гаровдаги иккинчи америкалики ҳам қатл этганилини хабар қилди.

«Ал-Ҳазира» телекомпанияси ахборотида кўра, бу ҳақидаги хабар исломчилар сайтларидан бирида пайдо бўлган. 48 йшли Жек Хенсли «Жамоат ал-Тавҳид Жиход» гуруҳи томонидан белгиланган 24 соатлик муддат тугаганидан сўнг ўлдирилган.

Бундан аввал, сешанбага ўтар кечаси ана шу гуруҳ 52 ёшли Южин Армстронгнинг қатл этганиди. Утган ҳафтада у Бағдодда Хенсли ва 62 ёшли инглиз Кеннет Бигли билан биргаликда ўғирлаб кетилган. Жангарилар Ироқ маъмуриятининг «Абу-Ғранб» қалмоқхонасида ётган барча аёл маҳбусларни озод этишни талаб қилишмоқда. Агар талаблари бажарилмаса, улар ғарога олинган британиялик Кеннет Биглини ҳам қатл этишларини билдиришди.

## МИТИНГ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛДИ




Қолмиғистонда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари Элистанинг марказий майдонида оппозиция митингини куч билан тарқатиб юборган. НТВ телекомпанияси хабар беришича, баъзи маълумотларга кўра, милиция ҳаракати натижасида хабарланганлар бор.

Қолмиғистон Фавқулодда сўзсиз иқроия қўмитасининг аъзоси Андрей Горячевнинг тўғридан-тўғри эфирда гапиришича, республика прокуроври намойишни ноқонуний деб эълон қилган ва ОМОН жангчиларига куч ишлатишга буйруқ берган. Намойишчилар майдонга туташ бўлган кўчаларга суриб ташланган. Баъзи маълумотларга кўра, митингга оппозициянинг икки мингга яқин вакили тулланган. Намойишчилар президент Кирсан Илюмжиновнинг истеъфога чиқишини талаб қилишган.

Уларнинг фикрича, Илюмжинов ўз вазифаларини удралай олмайоти ва Россия Федерацияси Конституциясининг инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига оид қисмини бузмоқда.

## «ҚОРА ДАРЁ»ДАГИ ФОЖИА

«Қиролчи Лаура» йўловчилар кемасининг Бразилия Амазонияси бўйича сайри фожиа билан аяқланди. Амазонка дарёсининг ирмоқларидан бирида, (таржимаси «Қора дарё») деб аталуви қисмида кема қаттиқ шомол туфайли тўнтарилди кетди. Мануаса шаҳри полициясининг хабарига кўра, камида 15 йўловчи қурбон бўлган, 45 кишини қутқаришга муваффақ бўлинган. Уларнинг кўпчилиги касалхонага оғир аҳволда келтирилган.



## КЕНГ КЎЛАМДАГИ ҲАРБИЙ ОПЕРАЦИЯ

Reuters агентлиги хабарига кўра, Американинг Ироқдаги қўшинлари Бағдоднинг Садр-сити шаалар яшовчи туманини жангарилардан тозалаш бўйича кенг кўламли ҳарбий операцияни бошлаган. Бағдоддаги матбуот котиби ушбу хабарни тасдиқлаган, бироқ бирон-бир тафсилотларни айтишдан воз кечган. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, туманга камида йигирмата америка танки ва бошқа ҳарбий машиналар кирган. Операция вертолётлар ва самолётлар иштирокида ўтатилади.

Америка маъмуриятлари муқаддам билдиришигандек, январь ойида ўтадиган сайловлар олдида Ироқнинг янги ҳокимиятига қарши бўлган қуролли оппозицияни йўқ қилишга қарор қилинган. Вашингтондаги манбалар қайд этишича, яқин ойларида Ироқда зўравонлик ўсиши мумкинлигини эътиборга олган Америка қўшинлари захира жамғармаларини сарфлашга киришган.

Садр-сити — Бағдод марказининг шимол-шарқдаги қашшоқ туман ҳисобланиб, у раҳидил шаа раҳбари Мухтада ал-Садр назорати остидадир. Садрдам Хусейн ҳукмронлиги замонида бу туман Садрдам-Сити деб аталарди, деб эслатади Reuters.

## ОРОЛЛАР СЎВ ОСТИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Порт-о-Пренсдаги миссияси вакиллари «Жанна» тропик тўфони қурбонларининг сони 650 кишидан ошганилини маълум қилди. Тўфон Қариб ҳавзасидаги йирик ороллар атрофида кучаймоқда. Қурбонлар сони ошиши мумкин. Доминикана Республикаси ва Ямайкани сув остида қолди дейиш мумкин. Бироқ, «Жан-

на»нинг энг кучли зарбаси Гаити бошига тушди. Мамлакатнинг қатор аҳоли пунктлари сув остида қолган, одамлар уйлар томларига чиқиб, нажот қутишмоқда. Кўпгина аҳоли пунктлари билан ер усти қатнови узилиб қолган. БМТ ва Халқаро хайрия ташкилотлари вакиллари жабр кўрган оролликларга ёрдам қўрсатмоқда.

**Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан**

**HALQ BANKI ХАЛҚ БАНКИ**

«Меҳр ва муруват йили» муносабати билан **«МЕҲР»** — қисқа муддатли омонат турини тақдир этмади.

Омонатга пул маблағлари мижозлардан 3 ОЙ муддатга камида 5000 СУМ миқдорига Халқ банкнинг барча муассасаларида қабул қилинади.

Мазкур омонатда сақланган маблағларга ҳар ойнинг 1-санасига фоиз даромади ҳисобланиб, ушбу фоиз даромадлари омонатчининг биринчи талаби бўйича берилади.

Кўшимча равишда, банкнинг ишонч телефонини эътиборингизга ҳавола этилади: 173-89-44, 45-35-43

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНҚДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

Маълумот учун телефонлар: 173-69-15, 173-69-16 (ички 126, 109)

**ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

2004 йил 28 октябрь ва 4 ноябрь кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг бизнесида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қайта куйидаги объект кўйилади:

1. Жиззах вилояти, Жиззах шаҳрида жойлашган 1-сонли автомобилларга ёниги қуйиш шаҳобчаси (1-АЕКЦ)

**Бошланғич баҳоси — 45 395 АҚШ доллари**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичидан 1 соат олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида катнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорига закалат пули тўлаши шарт.

Чет эл валютасида сотувга чиқариладиган объектлар бўйича закалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбе-

кистон Республикаси Уйғайжамғарма банки Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги валюта ҳисоб рақамига: 2020884020426538001, КОД-00901, СТИР 204563716, SWIFT: UZHOUZ 22 ўтказилади.

**ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ**

Кўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Камиш 2/4 дахаса, М.Урозраев кўчаси, 1-А-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси бизнеси, 2-қават, 2-хона.

**РЕСПУБЛИКА УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:** 133-29-83, 136-15-28, 136-26-26.

**«ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ МАЪМУРИЯТИ**

**2005 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИГА ТАЙЁРЛАНДИГАН УРУҒЛИК ЧИГИТ УЧУН КЕРАК БЎЛАДИГАН:**

**УЧ ҚАВАТЛИ КРАФТ ҚОҒОЗ ҚОПЛАР 500Х950**

**УЧУН ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Ушбу масала бўйича «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг тендер комиссиясига мурожаат қилишингиз мумкин.

**Уюшма маъмурияти.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 8-а уй. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси.

Тел: 120-42-11, 120-42-22, 120-42-77, 120-42-42.

**BRITISH COUNCIL**

The British Council is the United Kingdom's international organisation for educational opportunities and cultural relations.

The British Council in Uzbekistan has a vacancy for a:

**Project Supervisor**

**The Role:**

- To plan, co-ordinate, direct and develop a new Youth Exchange Project based in Bukhara for 9-15 months;
- To work with Project partners to ensure adequate support and supervision of groups of volunteers from Uzbekistan and the UK;
- To facilitate the training and learning of the volunteers;
- To manage Project finances;
- To monitor and evaluate the project and report regularly to the partners.

**Requirements:**

- University degree
- Project management experience
- Excellent interpersonal skills
- Fluent spoken and written English, Russian and Uzbek
- Good computer skills
- Previous experience of youth and/or community work is desirable.

Interested candidates should submit

- a statement in English (up to 500 words) explaining their suitability
- a recommendation letter from a previous employer to

**The Director**  
The British Council  
D.Kounaev Street, 11  
Tashkent

e-mail: bc-tashkent@britishcouncil.uz  
Fax: 1206371  
Tel: 1206752

Closing date for applications: 11 October 2004

Фанимиз фидойилари

ИЛМУ УРФОН ИСТАГАН ЮРАК

Азим Тошкентнинг Шайхонтохур туманида истикомат қилувчи Абдуазизовлар сулоласи шулардан бири. 1944 йилнинг кузида дунёга келган қизалоққа Назира деб исми берилганда ота-онаси «илмга назира бўлсин» дейишган бўлса, не ажаб. Айтишларича, инсонга танланган исми ҳам қайсидир маънода унинг толеини белгилаб, англатиб тураркан. Унинг илк машқлари болалар газетаси, радио тўлқинлари орқали ўқувчиларига етиб борган эди.



1970 йилларда М.В.Ломоносов номи Москва давлат университетида аспирантурада таҳсил олди. Энди у ҳақиқий «фан заҳмат»ни чеки, тинмай ишлади, тундан тунгача қўйиб қўйиб кутубхонада китоб ўқиш, тарихий манбаларни чуқурроқ ўрганиш, тинимсиз ҳаракатдан кейин ўз мазасини берди.

Бўлажак олима ўша пайтдаёқ ўзининг соғлом маънавий муҳит яратилишига интилиши, матбуот тарихини ўрганишнинг замонавий усулларини эгаллаши билан тенгқурлари орасида ярқ этиб кўзга ташланиб турарди.

1970 йилда, икки йилдаёқ у номзодлик диссертациясини ёқлади. Бу кунда бўладиган воқеа эмас, ўша пайтларда 26 ёшда фан номзоди бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермасди-да. Кўп ўтмай у доцент унвонини олди.

Профессор Назира Абдуазизова ўзбекистонда журналистика фани раънақига салмоқли хисса қўшган тарихчи олималаримиздан. У талабаларга «Ўзбекистон журналистикаси тарихи», «Хорижий журналистика тарихи» махсус курсларидан сабоқ берди, амалий машғулотлар олиб борди, 8 та монография, 4 та ўқув-методик қўлланма, 3 та рисола ёзди.

Олима жамиятдаги сиёсий, ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этади. Зеро, бу унинг табиатида хосдир. 1999 йилдан

Баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда аёлларнинг ўрни жуда муҳим. Шу боис республикамизда аёлларнинг спортга жалб этиш, айниқса, бадий гимнастикани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмаётди. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Бадий гимнастика федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган семинар мазкур соҳа ривожига яна бир муҳим қадам бўлди. Халқаро тоифадаги юксак маҳоратли бадий гимнастикачиларни тайёрлаш мавзусидаги ўшбу анжуманда мураббий ва спортчилар учун бир неча кунлик ўқув-семинар бўлиб ўтиш режалаштирилган. Қувонарлиси, Халқаро Олимпия қўмитаси хомийлигида мазкур ўқув-семинарда халқаро тоифадаги мураббий ва экспертлар тақлиф этилган.

БАДИЙ ГИМНАСТИКАДА ЯНГИ БОСҚИЧ



гимнастиканинг аёллар саломатлигидаги ўрни хусусида тўхталдилар. Юртимизда мяхмон бўлиб турган Халқаро бадий гимнастика федерацияси эксперти Наталья Кузмина мамлакатимизда спортга бўлган эътибор халқаро майдондаги галабаларга омил бўлаётганини таъкидлаб ўтди.

бўйича жаҳон кубоги босқичини шу йилнинг 30 сентябрь — 2 октябрь кунлари Тошкентда ўтказишга қарор қилганимиз ҳам Ўзбекистонда мазкур спорт тури ривож топаётганидан далolatдир. Шундан сўнг «Жаҳонда бадий гимнастиканинг ривожланиш тенденциялари», «Сақраш машқлари жамланмаси техник афзалликлари», «Чиқишлар пайтидаги хатолар», «Машғулотлар техникаси» мавзуларида маърузалар тингланди.

Эътиборли томони шундаки, семинар давомида маърузалар билан ҳамроҳанг равишда амалий машғулотлар олиб борилди. Хусусан, бугун «Эгилувчанлик машқлари жамланмаси», «Жозибадорлик» мавзуларида маърузалар билан бир қаторда халқа, арқон, каток, тасма каби бадий гимнастика ашёларини ишлатиш бўйича амалий машғулотлар бўлиб ўтди.

Семинар якунида спортчи ва мураббийларга сертификатлар топширилди. Анвар САМАДОВ

Футбол

Осиё футболлида чемпионлар лигаси бахслари алоҳида нуфузга эга. Мазкур мусобақанинг доимий ва кучли иштирокчиларидан бири бўлмиш «Пахтакор» чорак финалда Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Ваҳда» жамоаси билан рубаруб келди. БААда бўлиб ўтган дастлабки ўйинда 1:1 ҳисо-

«ПАХТАКОР» ЯРИМ ФИНАЛДА

би қайд этилган эди. Жавоб учрашувида ҳамюртларимиз дастлабки дақиқалардан оқ ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Биринчи бўлимининг 22-дақиқасида пахтакорчилар бурчак тўпидан унумли фойдаланишиб ҳисобни очиди. Орадан яна йигирма икки дақиқа ўтиб рақибларимиз дарвозасига иккинчи гол киритилди.

МЎЪЖИЗА СОАТ

Шу йилнинг кузида жаҳон техника бозорига SPOT технологияси асосида яратилган биринчи қўл соатлари сотувага чиқарилди. Шу тариқа янги техника эрасининг навбатдаги яна бир мўъжизаси пайдо бўлди.

Хозир АКШда сотилаётган SPOT-соатлар учта компания — Abacus, Fossil, Suunto томонидан ишлаб чиқариладиган бўлиб, ташқи кўриниши оддий соатдан фарқ қилмайди ва атом аниқлигида ишлайди. Ичидagi механизм туфайли соат эгаси ўз вақтида об-ҳаво, акция ва валюталар курслари, йўл тирбандлиги, маданий воқеалар анонслари, учрашув ҳақида эслатма, қиска шахсий маълумот узатиш ва бошқа хабарлардан воқиф бўлиши мумкин. SPOT-соат янгиликларни оддий FM-диапазон орқали етказиб беради, шунингдек, унда интернетдан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд.

МЎЪЖИЗА СОАТ

Шу йилнинг кузида жаҳон техника бозорига SPOT технологияси асосида яратилган биринчи қўл соатлари сотувага чиқарилди. Шу тариқа янги техника эрасининг навбатдаги яна бир мўъжизаси пайдо бўлди.

Хозир АКШда сотилаётган SPOT-соатлар учта компания — Abacus, Fossil, Suunto томонидан ишлаб чиқариладиган бўлиб, ташқи кўриниши оддий соатдан фарқ қилмайди ва атом аниқлигида ишлайди. Ичидagi механизм туфайли соат эгаси ўз вақтида об-ҳаво, акция ва валюталар курслари, йўл тирбандлиги, маданий воқеалар анонслари, учрашув ҳақида эслатма, қиска шахсий маълумот узатиш ва бошқа хабарлардан воқиф бўлиши мумкин. SPOT-соат янгиликларни оддий FM-диапазон орқали етказиб беради, шунингдек, унда интернетдан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд.

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

САХИЙ ТОПСА, БЎЛИБ ЕР, БАХИЛ ТОПСА, БОСИБ ЕР

Юқорида — «Бахилнинг боғи кўкармас» мақолига ва унинг бир қатор вариантларига берган изоҳимизда қайд этиб ўтганимиздек, халқ ўзининг кўпгина мақолларида сахийлик, жўмардлик, очик қўллик — нақадар олижаноб фазилат бўлса, бунинг акси бўлмиш бахиллик, зикналик, хасислик, қизганчилик — шу қадар тубан, ислоф, ярамас иллат эканлигини турли тамсиллар воситаси ила ифода этиб, сахийликни улугулайди, бахилликни қоралайди, ҳар иккисининг яхши ва ёмон оқибатларини кўрсатади: «Ботир топса, барча ер, бахил топса, босиб ер»; «Бахилда бор бўлса ҳам — йўқ, сахийда йўқ бўлса ҳам — тўқ»; «Сахийнинг ўнг қўли берса, чап қўли билмас»; «Сахий одам бировага берган нарсасини одамларга тагириб, мактабни юрмайди, миннат ҳам қўймайди», дейилмоқчи»; «Қўли очқининг — йўли очик»; «Сахий билан бахил бир бўлоқдан сув ичмас»; «Тошни тошга урса, ўт чиқади, бахил сахийга қўшилса, ўти чиқади» (Бундаги «ўти чиқади» ибораси «юраги ёрилади», деган маънодадир. Киши организмда бир парда орасида ўткир захар бўлади. Уни «ўт», «ўтақа», «захар» деб атайдилар. Шу «ўт» ёрилса, киши қаттиқ азоб тортади, ҳатто ўлади ҳам. Тилимиздаги «ўтақаси ёрилади», «захраси ўчди» иборалари шундан келиб чиққан. Мазкур мақол билан: «Агар бахил сахийга қўшилиб, шериклик бир иш қилса-ю, сахий ўртадаги нарсаси устидан саховат қилиб (инъом-эҳсон қилиб) қўйса, буни қўриб, бахилнинг ўти чиқади (яъни, ўтақаси ёрилади, фиғони фалакка қўтарилади, қўзининг «олови чиқади», демоқчи бўлганлар).

Интер-спорт БЕКХЭМ «РЕАЛ»НИ КЎТАРДИ

СТАДИОНГА ЯНГИЧА ЧОРЛАШ



Бразилиянинг «Америка» (Минас-Жерайс) футбол клуби учрашуварига мухлисларни ўзига хос чорлаш усули ўйлаб топилди. Қизиги шундаки, ана шу клуб иштирокидаги учрашуварларга келган ҳар бир ишчибоз лотерея ўйини иштирокчисига айланаркан. Одамларнинг бундай чорловга қизиқишларининг боиси бор. Агар омади чопиб, лотерея ўйинидан ютук чиқиб қолса, бундай одам иш билан таъминланади. «Америка» клубининг навбатдаги учрашувида 10 киши иш билан таъминланди. Улар шифокор, ҳамшира, қўрилиш ишлари бўйича мутахассис, дурдгор каби касблар бўйича ишларга жалб этилмоқда. Футбол клуби вакилларининг айтишича, бундан мақсад қандай бўлмасин мухлисларни стадионга кўпроқ чорлаб, ўз жамоаларини қўллаб туришдан иборат экан.



Англия терма жамоасининг сардори Дэвид Бекхэм Мадриднинг «Реал» клубини Испания чемпионати пешқадами бўлишини таъминлади. «Реал» футболчиларининг «Осасун» жамоаси билан ўйинда Бекхэмнинг 30 метрлар чамасида белгиланган жарима тўпини дарвозага усталик билан киритиши «Реалга галаба келтирди. Ваҳоланки, учрашувнинг биринчи қисмида мухлисларнинг кўнгли тўлмай, «Реал»ни ҳўштак-бозлик билан кузатишганди. Хайтавур танаффусдан кейин Бекхэм «Реал» жамоасини олдинга олиб чиқди.

«ЭСКИ ЖУВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ

2004 йил 2 октябрь куни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. Устав жамғармаси миқдорини қайтадан кўриб чиқиш.
2. Жамият Низомига ўзгартириш киритиш.
Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси бозор маъмурий биносидан соат 11.00 да бошланади.
Акциядорларни руйхатга олиш соат 10.00 дан бошлаб амалга оширилади.
Бизнинг манзил: Шайхонтохур тумани, Бозор майдони, 28-уй.
Умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2004 йил 21 сентябрь ҳолати билан ёпилади.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Газетанинг навбатдаги сони 28 сентябрь, сешанба кунини чиқади.

ЮРТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик Тижорат «ПАХТА БАНК» Сизлар учун 3 ой ва 1 йил муддатга қабул қилиниб, муддатига мутаносиб равишда йиллик 25 фоиздан 38 фоизгача даромад тўланадиган

«ОҚ ОЛТИН», «ПАХТАКОР», «САХОВАТ» муддатли омонатларини таклиф этади!

Ушбу жамғарма омонатларга маблағингизни «Пахта Банк»нинг истаган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин. Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!



«ПАХТА БАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Table with contact information for Safar OSTONOV, Bosh muharrir, and other details.